

Ҳадис дарслари (123-дарс). Ислом Аллоҳнинг берган улуғ неъматини



16:20 / 10.02.2021 4411

«Ва Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг: бир вақтлар душман эдингиз, бас, қалбларингизни улфат қилди. Унинг неъматини ила биродар бўлдингиз. Оловли жар ёқасида эдингиз, ундан сизни қутқарди».

Тафсирчи олимларимиз ушбу ояти кариманинг нозил бўлиши сабабида қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Яҳудийлардан Шос ибн Қайс исмли одам Авс ва Ҳазраж қабиласига мансуб араблар мажлисида қуриб, гаплашиб ўтирган жойларидан ўтибди. Жоҳилият вақтида бир-бирига адовати кучли бўлган бу кишиларнинг бундай улфат бўлиб ўтиришлари унинг ғашига тегибди ва: «Булар бирлашсалар, биз улар билан ёнма-ён яшай олмай қоламиз», деб, бир

яхудий болани чақирибди ва унга: «Арабларнинг ичига бориб ўтиргин-да, уларга «Буос» номли кунни эслат ва у ҳақидаги шеърлардан ўқиб бер», деб буюрибди («Буос» кунда Авс ва Ҳазраж қабилалари қаттиқ урушиб, Авс ғолиб чиққан эди). Ҳалиги яхудий бола Шоснинг айтганини қилибди. Ўтирганлар тортишиб, аччиқлашиб, уришиб кетишибди. «Қурол!!! Қурол!!!» деб бақиришибди.

Бу можаро Пайғамбар алайҳиссалату вассаломга бориб етибди. У зот ҳузурларидаги муҳожирлару ансорийларни олиб, уларнинг олдига борадилар. Уларга: «Мен ичингизда туриб, Аллоҳ сизларни Ислом билан икром қилганидан кейин, жоҳилият ишини кесганидан кейин, орангизга улфатликни солганидан кейин ҳам жоҳилият даъвосини қиласизларми?» дейдилар. Одамлар душманнинг гапига учиб, шайтон йўлига юрганларини англаб етадилар. Қуролни ташлаб, йиғлаб, кучоқлашиб кетадилар. Расулulloҳ билан бирга итоаткор ҳолда қайтадилар. Шунда ушбу оят нозил бўлади.

Демак, оятдаги хитоб аслида барча Ислом умматига қаратилган бўлса ҳам, тушаётган пайтда мадиналик Авс ва Ҳазраж қабилаларига қаратилган эди. Шаҳарда бир-бирига душманликда Авс ва Ҳазражга етадигани йўқ эди. Бунинг устига, улар билан бирга яшайдиган яхудийлар доимо фитна кўзиб, уруш оловини пуфлаб туришарди. Аллоҳ таоло иноятига олиб, бу икки қабилани ҳидоятга бошлаб, қалбларини Ислом нури билан мунаввар қилганидан кейин улфат бўлдилар.

Ва Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг: бир вақтлар душман эдингиз, бас, қалбларингизни улфат қилди».

Ислом Аллоҳнинг берган улуғ неъматини, шу неъмат туфайли душманлар улфат бўлдилар. Бир-бирига қарши нафратга тўлган қалбларни фақат Исломгина улфат қила олади. Фақат Аллоҳнинг ипи бўлган Исломни маҳкам тутибгина ҳамма биродар бўла олади.

«Унинг неъматини ила биродар бўлдингиз».

Аллоҳ Ислом неъматини бермаганида, уларнинг бундай холис биродар бўлишлари қийин эди. Фақат Ислом туфайли, Аллоҳ учун биродар бўлингандagina ҳақиқий биродарлик қарор топади. Бошқа ҳолда ё молу дунё, ё ирқ-миллат бирлиги, ё мансаб нуқтаи назаридан, ё қабилалараро тарафкашлик билан ва ҳоказо шунга ўхшаш ниятлар асосига қурилган бўлади.

«Оловли жар ёқасида эдингиз, ундан сизни қутқарди».

Ислонга киришингиздан олдин уруш-жанжал ичида, жоҳилият ҳукмлари остида, умуман, барча соҳада нотўғри йўлда, яъни оловли жар ёқасида эдингиз. Шундай кетаверганингизда ҳалокатга учрашингиз турган гап эди. Аллоҳ таоло сизни Ўзининг улуғ неъматини бўлмиш Ислонга бошлаб, мазкур оловли жарга қулашдан сақлаб қолди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан